

**«МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ»
фанидан
ЎҚУВ ДАСТУРИ**

Олий таълимнинг 340000 – «Бизнес ва бошқарув» таълим соҳасидаги:

5A 340901 - «Бухгалтерия ҳисоби»

5A 340902 - «Аудит»

**5A 340904 – «Ташқи иқтисодий фаолият ҳисоби ва таҳлили» соҳасидаги
магистратура мутахассисликлари учун**

Тузувчи: доц. А.А.Каримов

Такризчилар: доц. Б.Қ. Ҳамдамов,
доц. И.К. Очиллов,
доц. Ш.К. Шоёқубов.

Махсус фанлари ўқитишнинг методикаси фани фанлардан бири бўлиб, унда магистратура бухгалтерия ҳисоби ва аудит масалалари ўрганилади.

Предмет «Методика преподавания специальных дисциплин» является одним из основных предметов в подготовке магистров. Необходимость обучения слушателей «Методика преподавания специальных предметов» заключается в том, что магистранты, кроме углубленного изучения специальных предметов, должны получать навыки преподавания с использованием новых информационных технологий и интерактивных методов обучения.

Professional subject is one of the most favorite subject in educational methods, this methods consist of not to teach only professional subject and also teaching and educational skills too.

The aim of the teaching economists by this kind of education are to create base of pedagogical skill and efficient activity of their work during the teaching in grade, middle and special institutes.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия қилинган (25 апрель 2002 йил 9 - сонли баённома)

1. СЎЗ БОШИ

Махсус фанлари ўқитиш методикаси фанини ўқитишнинг мақсади ва вазифаси

Иқтисодчиларга бу фанни ўргатишдан асосий мақсад уларнинг иқтисодий йўналишдаги олий ва ўрта махсус билим юртларида педагог сифатида фаолият кўрсатишга замин тайёрлаш, уларнинг педагогик фаолиятининг самарали бўлишини таъминлашдан иборат.

“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фани бўйича магистрантларнинг билим олишига ва кўникма ҳосил қилишига қўйиладиган талаблар

Магистрант “Бухгалтерия ҳисоби”, «Аудит»ни ўқитиш методикаси фани бўйича қуйидагиларни билиши зарур:

- - «Бухгалтерия ҳисоби», «Аудит» мутахассислиги бўйича ўқитиладиган фанларнинг асосий мавзуларини ва уларнинг моҳиятини;
- - мутахассислик фанларининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги;
- - олий ўқув юртларида мутахассислик фанларини ўқитиш хусусиятларини;
- - ўқитиш жараёни ва унинг босқичларини;
- - маъруза дарсларига тайёрланиш, уларни сифатли ўтказиш асосларини;
- - семинар машғулотларига тайёрланиш ва уларни сифатли олиб бориш;
- - мутахассислик фанлар бўйича иш ўйинлари олиб бориш ва бошқа замонавий интерактив ва масофавий ўқитиш услубларида дарслар олиб бориши;
- - таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;
- - муаммоли ўқитиш, унинг усулларини;
- - магистрантларнинг билимини аниқлаш шаклларини билиш;
- Уларда қуйидаги ўқув ва кўникмалар шаклланиши лозим:
- - дастур жараёнининг боришини назорат қила билиши;
- - аудитория билан узвий алоқада бўлиб, уни бошқариш асосларни ўқиб олиши;
- - магистрантларнинг билимини нисбийликда таҳлил қила билиши;
- - илмий иқтисодий адабиётларни мустақил ўрганиш ва бошқалар.

Бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши

“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” курси “Молиявий ҳисоб - 2”, “Бошқарув ҳисоби - 2”, “Ташқи иқтисодий фаолият ҳисоби”, “Педагогика” ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқдир.

Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар

“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” курси магистрантларга фақат 1 - курсда ўқитилади. Магистратурада бу фан орқали молиявий ҳисоб, амалий аудит фанларининг асосий мавзулари чуқур баён қилинади.

Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича ҳажми

Магистратурада бу курс учун жами 40 соат, шундан 20 соат маъруза, 20 соати семинар машғулоти, шу билан бирга мустақил таълим учун 20 соат ажратилган.

2. ФАН ДАСТУРИ

“Молиявий ҳисоб - 2”, «Бошқарув ҳисоби - 2», «Амалий аудит» ва бошқа мутахассислик фанларидан маърузага тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси

“Молиявий ҳисоб - 2”, «Бошқарув ҳисоби - 2», «Амалий аудит», “Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари ҳисоби” мутахассислик фанлари ҳақида тушунча бериш.

Маърузада слайдлар, жадваллар, мултимедиялар ва бошқа ктргазмали амалий материаллардан фойдаланиш методикаси.

Семинар машғулотларига тайёргарлик кўриш ва уни олиб бориш методикаси

Талабаларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашда семинар машғулотларининг аҳамияти беқиёслиги, ўқув жараёнидаги роли.

Семинар машғулотининг мақсади ва вазифаларини тўғри аниқлай билиш, унинг маъруза билан узвий боғлиқлигини таъминлаш, ўрганиладиган саволларнинг мантиқийлигига эришиш.

Семинарларга тайёрлик кўриш усуллари. Адабиётлар, кўргазмали материаллар танлаш, уларни ўрганиш ва аудиторияга етказиш усуллари. Семинар олиб боришда кўргазмали куроллардан фойдаланиш усуллари. Талабаларнинг семинарга тайёргарлиги, уларнинг билимини, ҳозиржавоблиги ва дарсга фаол қатнашиш даражасини баҳолаш методикаси. Семинарни олиб бориш усули ва шакллари (давра суҳбати, савол - жавоб, иш ўйинлари, баҳслашувлар, мунозаралар ва бошқалар).

«Молиявий ҳисоб - 2» фани бўйича маърузалар тайёрлаш методикаси

«Молиявий ҳисоб - 2» фанидан молиявий ҳисобнинг моҳияти ва асосий вазифалари, молиявий ҳисобот ва унинг таркиби, экологик харажатларнинг молиявий ҳисобда акс эттирилиши, узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби ва уларни молиялаштириш манбалари, консолидациялаштирилган бухгалтерия ҳисоботи, холдинг компанияларининг ташкил қилиниши, консолидациялаштирилган ҳисоботнинг таркиби ва тузилиши, консолидациялаштирилган ҳисоботларни тайёрлаш тартиби, молиявий

(бухгалтерия) ҳисобот мавзулари бўйича маърузалар тайёрлаш услуги. Молиявий ҳисоботда компьютер воситаларини қўллаш методикаси.

«Бошқарув ҳисоби - 2» фани бўйича маърузалар тайёрлаш методикаси

«Бошқарув ҳисоби - 2» фанидан бошқарув ҳисоби ҳақида тушунча, унинг мазмуни, аҳамияти ва тамойиллари, бошқарув ҳисобининг молиявий ҳисоб билан боғлиқлиги ва ҳисоб сиёсатига алоқадорлиги, халқаро стандартларда харажатларни ҳисобга олиш усуллари, бошқарув ҳисобида таҳлил қилиш жараёни, бошқарув ҳисобида бошқарув қарорларини қабул қилишнинг оптимал шакллари мавзуларида маърузалар тайёрлаш услуги.

«Амалий аудит» фани бўйича маърузалар тайёрлаш методикаси

«Амалий аудит» фани бўйича ҳозирги замон ривожланган иқтисодиётида аудитнинг ўрни ва аҳамияти; иқтисодий назорат тизимида аудитнинг роли ва аҳамияти; бозор иқтисодиёти қонунлари усуллари; иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва реал маълумотларга эга бўлиш усуллари; корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари бўйича хулоса ва таклифлар бериш мавзуларида маърузалар тайёрлаш ва магистраларга етказиш методикаси.

«Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари ҳисоби» фани бўйича маърузалар тайёрлаш методикаси

«Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари ҳисоби» фани бўйича ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида тушунча ва унинг моҳияти, Ўзбекистонда бозор муносабатларини қарор топишида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлар билан интеграциялашувини қиёсий ўрганишни таъминлаш усуллари, Африка бирлиги ташкилотларига аъзо бўлган давлатлар бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ҳамда Англосаксония гуруҳига кирувчи давлатларда бухгалтерия ҳисоби счётлар режасининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ягона ҳисоб тизимига алоқадорлик томонлари мавзуларида маърузалар тайёрлаш методикаси.

Махсус фанни ўқитишда кўргазмали қуроллардан ва техника воситаларидан фойдаланиш методикаси

Дарс олиб бориш жараёнида кўргазмали қуролларнинг роли ва аҳамияти. Кўргазмали қуроллар турлари, улардан фойдаланиш методикаси. Слайдлар тайёрлаш, жадвал ва схемалар тузиш, улардан фойдаланиш усуллари. Техника воситалардан фойдаланиш методикаси.

Мустақил таълимни ташкил қилиш методикаси

Ўқув жараёнида талабаларнинг мустақил иши ва мустақил таълимнинг роли ва аҳамияти. Мустақил таълим режасини тузиш, уни тайёрлаш усуллари. Мустақил таълимни олиб бориш бўйича, мавзулар, уларнинг режаси, шакллари, маърузалар, рефератлар, давр - сухбатлари, библиографиялар тузиш.

Мутахассислик фанини ўқитиш жараёнида талаблар билимини назорат қилиш ва баҳолаш

Назоратнинг турларини билиш: семинар машғулоти, ёзма ишлар, таянч иборалар бўйича ёзма ишлар, тестлар, мунозара, баҳслашув, синовлар. Талабаларнинг давомати, фаоллиги ва бошқа омилларга эътибор бериш, жорий, оралик, якуний назорат натижаларини муҳокама қилиш.

3. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МАВЗУЛАРИ

«Молиявий ҳисоб - 2» фани бўйича семинар машғулоти олиб бориш методикаси

«Молиявий ҳисоб - 2» фани бўйича оборотдан ташқари активлар ҳисоби, хусусий капитал ва захираларни бошқаришнинг ташкил қилиш, йиғма ҳисобот ва унинг консолидациялаштирилган ҳисоботдан фарқи мавзуларини ўтиш услуги.

Молиявий ҳисоботда компьютер воситаларини қўллаш методикаси.

«Бошқарув ҳисоби - 2» фани бўйича семинар машғулотлар олиб бориш методикаси

«Бошқарув ҳисоби - 2» фанидан бошқарув ҳисоби ҳақида тушунча, унинг мазмуни, аҳамияти ва тамойиллари, харажатлар ҳақида тушунча, ишлаб чиқариш ва давр харажатларининг ҳисобини таснифлаш бўйича эътибор бериш лозим бўлган соҳалар, халқаро стандартларда харажатларни ҳисобга олиш усуллари, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини аниқлаш мавзулари бўйича семинар машғулотлари ўтиш методикаси.

«Амалий аудит» фани бўйича семинар машғулотлари олиб бориш методикаси

«Амалий аудит» фани бўйича аудитнинг турли мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларни бошқаришда тутган ўрни мавзусида семинар машғулоти ўтиш методикаси.

«Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари ҳисоби» фани бўйича семинар машғулотлари олиб бориш методикаси

«Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари ҳисоби» фанидан ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида тушунча ва унинг моҳияти, Ўзбекистонда бозор муносабатларини қарор топишида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлар билан интеграциялашувини қиёсий ўрганишни таъминлаш, миллатлараро ва миллий бухгалтерия ҳисоби тизими ҳамда унинг таснифи, Европа иқтисодий ҳамжамиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси, ташқи иқтисодий фаолият доирасида экспорт - импорт муомалаларининг ўрни уни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари мавзуларида семинар машғулотлари ўтиш методикаси.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА - НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИДАН Фойдаланиш методикаси

Дарс олиб бориш жараёнида кўргазмали қуроолларнинг роли ва аҳамияти. Кўргазмали қурооллар турлари, уларни дарсга тайёрлаш ва улардан фойдаланиш методикаси.

Информацион - техник воситалар:

Интернет сайтлари

Аудио ва видео жиҳозлар

Мавзуга бағишланган видео кассеталар

Кодоскоп орқали кўрсатиладиган слайдлар

5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

Фан бўйича талабларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- - жорий баҳолаш (ЖБ);
- - оралик баҳолаш (ОБ);
- - якуний баҳолаш (ЯБ).

ЖБ ва ОБ турлари ва белгиланган баллар миқдори (ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг) 70 %, якуний баҳолаш эса 30 % миқдорда белгиланади.

Фан бўйича дастур тўла ўтилгандан кейин ЯБ тингловчи “ёзма иш” усулида (ўқув режасига кўра) ўтказилади.

Таянч тушунчаларига асосланган (ёзма иш) усулини ўтказиш тартиби “Рейтинг тузишнинг якуний баҳолаш босқичида” “қзма иш” усулини татбиқ этиш бўйича Намунавий низом билан белгиланади.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI бўсағасида - Т.: Ўзбекистон 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. - Т., 1996.
4. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонун. - Т., 1996
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54 - сонли Қарори «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари ойлик нашр, - Т., 1999.
6. Кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги миллий дастури - Т., 1998.
7. Бобожонов О.У. Молиявий ҳисоб. - Т.: Мехнат, 1999.
8. Карпова Т.П. Основы управленческого учёта: Учебное пособие –М.: ИНФРА–М., 2002.
9. Палий В.Ф. Управленческий учет – М.: Союзаудит, 1997.
10. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари тўпламлари. –Т., 2002.
11. Гулямов С.С, Абдуллаев А.Х, Алимов А.Х. Рекомендации по организации дистанционного обучения - Т., 2002.
12. Интерактивные методы обучения. Под редакци Академика Гулямова С.С. - Т., 2002.

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. –Т., 1997.
2. Ибрагимов А., Каримов А. Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби, - Т.: Ўзбекистон, 1999.

3. Николаева О. Международные стандарты финансовой отчетности: - М.: УРСС, 2001.
4. Солик ва Божхона хабарлари газетаси, 2001 - 2002 йиллар.
5. Чая В., Чая Г. Международные стандарты финансовой отчетности. – Ульяновск: , ГУП ИПК «Ульяновский Дом печати», 2000.
6. Фуломова Ф. Самоучитель по бухгалтерскому учету. - Т.: «Мир экономики и права», 2000.
7. Fremgen F.M. Accounting for managerial Analysis: Third Edition. Richard D. Irwing Inc., Homewood, Illions, 1996.
8. Kenneth M. Morris & Allan M. Siegel. Guide to understanding money & investing. 2000 by lightbulb, press, Inc.
9. Securities Regulation in THE Unite States. NASD. Washington - 2000.
10. The Istanbul Stock Exchange In a Historical Perspective. Written by Pfor. Haydar Kazgan/ published by ISE. - Istanbul - 1999
11. The Work Of SEC. U.S. Securities and Exange Comission. - 1999.
12. Cost accounting (a managerial emphasis)/USA. Mexico. Or Canada. 2001.
13. Financial accounting/USA. Mexico. Or Canada. 2001.